

Андижон давлат университети

Фалсафа кафедраси

МУСТАҚИЛЛИК: ФАН ВА ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ

НЕЗАВИСИМОСТЬ: РАЗВИТИЕ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ

II

Андижон-2013

жўнатилган хабарларни чоп этган. “Туркестанский край” газетаси нинг ёзишча Нью Йорк, Париж, Лондон, Копенгаген ва Бухарест шаҳарларида ҳамда ўлка шаҳарларида “Туркестанский голос” газетаси ўз мухбирларига эга бўлган. Хулоса қилиб айтганимизда, хусусий газеталар ўлканинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ҳаётига ижобий таъсир ўтказмасдан қолмади. Хусусий нашрларнинг пайдо бўлиши хусусий босмаҳоналарни пайдо бўлишига олиб келди. Хусусий нашрларнинг йўналишини уни ташкил этган ташкилотчиларнинг сиёсий қарашларига боғлиқ бўлган. Бу хусусий нашрларда ижтимоий – иқтисодий, сиёсий материаллар билан бир қаторда В.В.Бартольд, И.И.Гейер, Н.С.Ликошин, В.В.Вяткин, Ю.Якубовский, К.А.Тимаев, А.Диваев фаол иштирок этганлар. Мазкур хусусий нашрлар тарихимизнинг сиёсий, иқтисодий, этнографик, топонимик жиҳатдан ўрганишда бебаҳо манбалардан бири ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ-ГАЗ ТАРМОҒИДА ТАЪЛИМНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

С.Мирзаев

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, таълим соҳасини ислоҳ қилиш мақсадида мазкур тизимни тартибга солишга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг қаторида 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрларни тайёрлаш Миллий Дастури”, “Таълим секторини ривожлантириш дастури”, “Мақтаб таълимини ривожлантириш давлат дастури”ни кўрсатишимиз мумкин.

Президент Ислам Каримов “Келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ”¹²⁶, деган фикрга таяниб, юртимизда замонавий таълим тизимини шакллантириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш, замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласига катта аҳамият қаратмоқда¹²⁷.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, “... инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замон демократик тараққиёт, модернизация ва янгиликни борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим кадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини, доимо ўзининг асосий

¹²⁶ Каримов И.А. Барқамол авлод – келажагимиз таянчи. – Т.: Маънавият, 2010, 78-б.

¹²⁷ Акрамова Ш. Таълим хизматларига қўйилмалар – инсон капиталига инвестициянинг асосий шакли. – “Иқтисодиёт ва таълим” журналі, 2012, 1-сон, 138-б.

устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин¹²⁸.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги шароитда номоддий ишлаб чиқариш соҳасига қўйилган инвестициялар юқори самара бермоқда. Улар мамлакатнинг ижтимоий соҳани ривожлантириш учун йўналтирилган капитал қўйилмалари ҳисобланади. Бу давлатларда кадрлар тайёрлаш, илмий текшириш ва таълим соҳасига қилинадиган ҳаражатлар йил сайин ошиб бормоқда. Бунга сабаб шуки, интеллектуал потенциал ишлаб чиқаришнинг энг фаол элементи бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда ҳам инсон салоҳиятининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланган таълим тизимига асосий эътибор қаратилмоқда. Юртимизда таълим тизими ривожланишига давлатнинг қароратли молиявий қўллаб-қувватлаши туфайли эришилмоқда. Давлат томонидан таълим соҳасига маблағлар ажратилиши унинг келажак авлод учун ғамхўрлигини, мамлакат ривожланишининг истикболлари йўлида жонқуярлигини исботлайди¹²⁹.

Давлатимиз Президентининг таъкидлашича, 2012 йилда таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустақамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларида юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди.

2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодий тизим ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг қўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутуши даркор¹³⁰.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур – Ўзбекистон Республикаси томонидан танланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларни “ўзбек модели”нинг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу дастурнинг асосий мақсади ўзининг дунёқарашини, касб танлаш ва қатъий фуқаролик нуктаи назарига эга бўлган, ҳар томонлама

¹²⁸ Каримов И.А. “Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тартиқли элтириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

¹²⁹ Юсупова Ш. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда инсон салоҳиятидан фойдаланиш.

“Иқтисодий ва таълим” журнали, 2007, 2-сон, 21-б.

¹³⁰ Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ахунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

камол топган ва мустақил фикрлай оладиган шахсни шакллантиришдан иборат¹³¹.

“Ўзбекнефтгаз” Миллий Холдинг Компанияси (МХК) ва унинг таркибидаги акциядорлик компаниялари ҳамда корхоналар, мамлакатимиз иқтисодийнинг етакчи соҳаларидан бири бўлган нефт ва газ тармоғининг асосини ташкил этади. Мазкур соҳа нефть ва газни геологик-қидирув ишларини амалга оширишни, мавжуд кувватларни қайта жиҳозлаш, уларни углеводород хом ашёсини янада чуқурроқ қайта ишлашга йўналтириш, авиакеросин, дизель ёқилғиси ва бензинга бўлган ички эҳтиёжни тўлақонли қондиришни кўзда тутди¹³². Яхши тайёрланган кадрлар, муҳим ишлаб чиқариш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради¹³³. Соҳа учун малакали ходимлар ўрта махсус ўқув юртлари даражасида танлаб олинади ва улар Бухоро нефт ва газ саноати коллежи ҳамда Фарғона нефт коллежида, шунингдек, олий маълумотли мутахассислар эса Абу Райхон Беруний номли Тошкент Давлат Техника университетининг нефт ва газ факультетида, Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий Университетида ҳамда И.М.Губкин номли Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент филиали(келгусида Филиал деб аталади) томонидан тайёрланади.

2007 йил 12-январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан “Тошкентда И.М.Губкин номли Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарор имзоланди ва ўша йилнинг 1-сентябрда Филиалда машғулотлар бошланди.

Бу жараён Компания ичида кадрлар тайёрлаш бўйича Тармоқ Дастурини амалга ошириш билан тенг ёнма-ён бормоқда. Интеллектуал имкониятларни оширишни истикболли шаклларида бири ҳисобланган “таълимни интеграциялаш”га амал қилиб, “Ўзбекнефтгаз” МХК таълим соҳасидаги алмашув дастури бўйича Россия ва Малайзиянинг олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилмоқда¹³⁴.

Ҳозирги вақтда Филиал малакали кадрларни тайёрлашга ихтисослашган, инновациялар ва нефтгаз ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишни кўзда тутган илғор олий ўқув юртларидан бири саналади.

Филиал фаолиятининг муҳим йўналиши таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш жараёнига қаратилганлиги бўлиб, бозор ва

¹³¹ Сайдахмедов И.М. Подготовка квалифицированных кадров в филиале Российского государственного университета нефти и газа имени И.М.Губкина в г.Ташкенте. Научно-технический “Узбекский журнал нефти и газа”, май 2012, с.154

¹³² Ўзбекистон: жаҳон молявий-иқтисодий инкйрози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш. - Тошкент, 2011, 214-6.

¹³³ Усманов У. Устойчивые позиции отечественных геофизиков. // Народное слово, 12 декабря 2012 г.

¹³⁴ Журнал “Национальная Холдинговая Компания Узбекнефтегаз”, Ташкент, 2011, с.21

жамият ҳамда давлатнинг ижтимоий талаблари билан боғлиқ ҳолда касбга йўналтиришни ва ўқитишни ташкил этишни назарда тутди.

Ҳозирда филиалда янги таълим технологияларидан, ўқитишнинг интерфаол шаклларида кенг фойдаланилмоқда. Малакали мутахассисларни тайёрлашда бош таълим муассасасининг етакчи ўқитувчилари ҳамон фаол иштирок этишмоқда. Масофадан туриб маърузалар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, Филиал фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича Комплекс дастурга мувофиқ асосий эътибор ўқув ускуналари билан жиҳозлашга қаратилмоқда. Талабаларни амалий машғулотлари учун мўлжалланган ўқув-услубий полигон очилди. Нефтьгаз кудукларини капитал таъмирлаш бўйича "АМТ-411-Ўқув сифи" русумли тренажер-имитатор ўқув жараёнига жорий этилди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, республикамизнинг таълим муассасалари томонидан талабалардан илмий салоҳиятли ва касбининг билимдони бўлган мутахассисларни шакллантиришдек мураккаб жараёнда қўйилган қадамлар, уларнинг тайёргарлик даражасини ошириб, илмий ҳамда касбий фаолиятга бўлган интилишларини мустаҳкамлайди, нефтьгаз ва бир-бирига боғланган тармоқлар учун келгусидаги мутахассисларни сифатли тайёрланишини таъминлайди.

КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ДАВРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК АХВОЛИ

Р.Эшматов

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ёшасига коллективлаштириш даврида ва ундан кейинги йилларда ташкил қилинган колхозларнинг моддий-техник аҳволи жуда ночор эди. Фарғона водийсида ҳам коллективлаштириш жараёнидаги зўравонликлар натижасида жуда кўплаб чорва ва иш ҳайвонлари йўқ қилинган бўлиб, асосий қишлоқ хўжалик ишларининг механизациялашуви паст даражада қолган эди. 1933 йилнинг ўрталарида Фарғона округидаги фақат 2,1 % колхозлар етарли даражадаги техник воситаларига эга эди ҳолос. Ишлар асосан қўлда бажарилар эди¹³⁵. Маъжуд МТСларнинг фаолияти кам самарали ва ҳагто зарарли эди. МТСлар тракторчилар ва механикларнинг маоши жуда озлиги жиҳатидан ҳам қийин аҳволда эди. Аксарият ҳолларда уларга колхозларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан натура сифатида маош тўланар эди.

Совет аграр сийсати тизимида МТСлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга муайян таъсир кўрсатиши керак эди. Хусусан, улар

¹³⁵ Фарғона вилояти Иқтисод вазирлиги, 263-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 234-варак.

МУНДАРИЖА

Фан - тараққийёт омили. Т.А.Мадумаров, Р.Алиев.....	3
Тақдиримсан, Бахтимсан, Эркин ва Обод Ватан! А.Собиров.....	5

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Ноосфера фономени – илмий тафаккурнинг кўриниши сифатида.	
Т.Ортиқов, З.Суяров	9
Маънавият ва демократия. А.Бегматов	11
Бобур маънавияти. З.Хамидов, И.Ғофуров	13
Диний онг: тизими ва моҳияти. Ш.Валиев.....	16
Роль ценостного сознания в условиях культурной глобализации.	
Ф.Юлдашева, С.Юсупова	19
Жамиятни эркинлаштиришда маънавий қадриятлар ва мустақиллик мафқурасини шакллантириш. Х.Ахмадалиев, Э.Каримов	
Соғлом турмуш тарзи мустақкам оила асосидир. Ф.Абдураззоқова ..	26
Миллий ўзликни англаш ва унинг моҳияти. А.Алиев	27
Маънавий баркамол инсонни шакллантириш омилилари.	
М.Мамадалиев, Х.Хакимов	30
Миллий ғоянинг фалсафий моҳияти. Х.Холмирзаев	32
Глобаллашув жараёнининг миллий маданиятлар ривожига таъсири.	
М.Зокирова, Ж.Ўринбоев	35
Ўзбекистонда тадбиркорлик субектлари иқтисодий рағбатлантириш сиёсатининг фалсафий мазмуни. Ш.Асқаров, М.Асқаров	
Фалсафа тарихида шахс эркинлиги ва масъулиятига оид фикр мулоҳазалар. И.Эргашев	40
Маънавий баркамол шахс тушунчаси ва унинг хусусиятлари.	
М.Мамадалиев, Б.Усмонов	44
Эволюция назариси: дунёвий ва диний талқин. Д.Собиров,	
М.Ташланова	47
Ёшлар ижтимоий онгини шакллантиришда оиланинг роли.	
О.Нурматов, Ф.Эргашева	51
Муомила маданияти – инсон зийнати. А.Раззақов.....	53
Баркамол авлод буюк келажак яратувчиси. Д.Саидова.....	54
Раҳбар аёл: жамоа ва оила. М.Қосимова, Г.Анваржонова	56
Глобаллашув жараёнида оммавий маданият тарқалишининг айрим масалалари. Н.Тоҳирова, О.Мухторов	
Абу Али Ибн Синонинг фалсафий қарашлари. С.Тўлашова	62
Глобаллашув жараёнида Ўзбекистонда мафқуравий хавфсизликни таъминлашнинг усуллари. Х.Умаров, Н.Акбарова	
Глобаллашув: Тараққийётми ёки таҳдид? Ш. Юлдашев	66
Маънавиятни шакллантиришда оиланинг ўрни. Х.Нодирова	68

ТАРИХ ФАНЛАРИ

Ўзбекистонда кулоқ оилаларни сургун қилиниши ва сургундаги ахволи. Б.Расулов	71
Ўзбекистонда 1925-1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислохотига янги назар ў.Убайдуллаев, М.Аскарлов	74
Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалик кооперативлари янги иқтисодий сиёсатнинг илк йилларида. А.Усмонов	78
Марказий Фарғона кўриқ ерларининг ўзлаштириши ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 50-70 йиллари мисолида). О.Абдуқаҳхаров	81
Социальная жизнь населения ферганской области в конце XIX – начале XX вв. Ф.Исакова, С.Раҳимова	84
Сомонийлар даврида мовароуннаҳрда хунармандчилик ва савдо муносабатлари. И.Каримохунова	88
Кўкон хонлигида мактаблар турлари ҳамда уларнинг фаолияти. М.Алихожиев, Г.Сиддиқова	90
Туркистон ўлкасида хусусий матбуот тарихи ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни. М.Тўраева	94
Ўзбекистон нефт-газ тармоғида таълимнинг туганган ўрни. С.Мирзаев	96
Коллективлаштириш даврида фарғона водийси қишлоқларининг моддий-техник ахволи. Р.Эшматов	99
Шайбонийлар давлати сиёсий тузилиши тарихидан М.Хабибуллаева	102
Амир Темурнинг йиллари манбаларда Ш.Ҳошимжонов	104
Испания в период председательства кабинета Хосе Луис Родригеса Сапатеро. А. Абдуллаев	107
Деятельность видных учёных в развитии статистики. Т.Хамраева, Х.Раззаков.	102

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Мустақиллик йилларида педагогика фани ва унинг ривожланиши. Н.Абдуллаева	117
Фуқаролик жамиятини шакллантиришда раҳбар фаолиятининг психологик жиҳатлари. Ш.Мухтарова, О.Мухтаров	119
Олий ўқув юртида маънавий-маърифий ишларнинг ташкилий педагогик тизими. З.Азимова, З.Эсонова	121
Касбий психологияда юрист шахси тузилиш ўрни. Г.Тожибоева З.Жамолдинова	125
Наука и культурное наследие нации. З.Насырова, Б.Насыров	127
Миллий педагогикани демократлаштиришнинг методологик асослари. Т.Хасанов, Ш.Кўчқаров, З.Эсонова	129
Ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини тарбиялашнинг маънавий-иммунологик асослари. Ф.Комилова	131
Таълим жараёнида умуминсоний кадрлар ва миллий моделлар	